

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРИПОВА АЗИЗА АБДУМАНАПОВНА

**СТИЛИСТИК СИНОНИМЛАР ТАРЖИМАСИНИНГ
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ
(инглиз ва ўзбек тиллари материаллари асосида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017 йил

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Шарипова Азиза Абдуманаловна

Стилистик синонимлар таржимасининг лингвокультурологик
хусусиятлари (инглиз ва ўзбек тиллари материаллари асосида) 3

Шарипова Азиза Абдуманаловна

Лингвокультурологические особенности перевода стилистических
синонимов (на основе материалов английского и узбекского языков)..... 23

Sharipova Aziza Abdumanapovna

Linguacultural Peculiarities of Translation of Stylistic Synonyms (on the basis
of materials of English and Uzbek languages) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРИПОВА АЗИЗА АБДУМАНАПОВНА

**СТИЛИСТИК СИНОНИМЛАР ТАРЖИМАСИНИНГ
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ
(инглиз ва ўзбек тиллари материаллари асосида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017 йил

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2. PhD/ Fil184 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashgiv.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қамбаров Носир Мансурович
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Сиддикова Ирода Абдузухуровна
филология фанлари доктори

Худойберганова Дурдона Сидиковна
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «__»_____ куни соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (+99871) 233-45-21, факс: (+99871) 233-52-24, e-mail: sharq_ilmiy_@mail.ru).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (+99871) 233-45-21, факс: (+99871) 233-52-24.

Диссертация автореферати 2017 йил «__»_____ да тарқатилди.
(2017 йил «__»_____ даги __ рақамли реестр баённомаси.)

А.М.Маннонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.Ш.Омонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

Г.Ҳ.Бакиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таржимашунослигида турли тилларга мансуб стилистик синонимларнинг лингвокультурологик хусусиятларини таржима нуқтаи назаридан ўрганиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Таржима жараёнида дуч келинаётган муаммолар қардош бўлмаган турли тилларда таржималарнинг адекватлигини таъминлашга қаратилган усулларни аниқлаш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш асосларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Бугунги кунда дунё тилшунослигида синонимлар юзасидан қуйидаги муаммолар бўйича изланишлар олиб борилмоқда: турли тизимли тилларда семантик стилистик, идеографик, абсолют (мутлак) синонимларнинг мавжудлигини аниқлаш; турли тилларда синонимлар турларининг ўзаро муносабатини қиёслаш; стилистик синонимларнинг ҳосил бўлиш йўллари аниқлаш; стилистик синонимлар луғатини яратиш тамойилларини ишлаб чиқиш, турли тизимли тиллардаги стилистик синонимларнинг лингвокультурологик хусусиятларини аниқлаш кабилар.

Мустақилликка эришилгандан сўнг тилшуносликда тил бирликларини инсон омили билан боғлиқ ҳолда ўрганишга ёндашувнинг юзага келиши натижасида таржимашуносликнинг нисбатан ёш соҳаси бўлган инглиз тилидан ўзбек тилига бевосита таржима қилишда баъзи масалаларга аниқлик киритиш, таржималарга қўйиладиган талабларни қайта кўриб чиқиш, сўнгги йилларда таржима назариясида қўлга киритилган ютуқларни амалиётга татбиқ этиш масаласи долзарб муаммога айланди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган **«Ҳаракатлар стратегияси»**да «...таълим тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш»¹ масаласининг кун тартибига қўйилганлиги ҳам таржима амалиёти соҳасини янги методологик тамойил ва замонавий мезонлар асосида чуқур ўрганиш заруратини юзага келтирди.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикасида 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармон, 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган ПҚ-1875-сонли «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор, 2017 йил 17 февралдаги 2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация фан ва техно-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

логиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда замонавий тилшуносликда тил ва маданият муносабати муаммосини ўрганишга жиддий эътибор қаратилиши натижасида лингвокультурологик аспектдаги тадқиқотлар кўпайди.² Шунингдек, турли тиллардаги синонимларни чоғиштирма аспектда ўрганиш, синонимларни адекват таржима қилишнинг назарий ва амалий масалалари таҳлилига бағишланган бир қатор тадқиқотлар юзага келди.³ Тилшуносликда стилистик синонимлар юзасидан ҳам муайян тадқиқотлар олиб борилган.⁴

Ўзбек тилшунослигида А.Ҳожиев, Ҳ.Шамсиддинов, И.Сиддиқова, Ю.Иногамова, З.Пардаевлар томонидан синонимларга хос умумий ва хусусий жиҳатлар ўрганилган. Бу ишларда инглиз ва ўзбек тиллари материаллари мисолида синонимларнинг ҳосил бўлиши, услубий хусусиятлари атрофлича ёритилган.⁵

Англашиладики, тилшуносликда синонимлар, жумладан, стилистик синонимларнинг ҳам моҳиятига доир назарий қарашлар шаклланган. Бироқ стилистик синонимларнинг турли қатламлари ўртасидаги фарқлари ва ўхшаш жиҳатлари, синтагматикаси етарлича тадқиқ этилмаган. Айниқса, бу муаммо таржима назарияси нуқтаи назаридан инглиз ва ўзбек тиллари мисолида ўрганилмаган, бу жараёнда синонимларнинг лингвокультурологик хусусиятлари ролини ёритиб берувчи тадқиқотлар амалга оширилмаган.

² Алифференко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. – М.: Флинта-Наука, 2010. – 224 с.; Вежбицкая А. Язык, культура и познание. – М.: Русские словари, 1996. – 416с.; Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Академия, 2001. – 208 с.; Баскаков Н.А., Содиков А.С., Абдуазизов А. Умумий тилшунослик. – Тошкент, 1979 – 157 б.; Худойберганова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013 – 136 б.

³ Filipec J. *Ceská Synonyma z hlediska stylistiky a lexikologie.* - Praha, 1961 – P. 105-118; Edmundson H.P., Epstein M.N. Research on synonymy and antonymy: a model and its representation // *Papers in computational linguistics.* The Hague – Paris, 1976 – 251 p.; Kelemen B. La Synonymie à la lumière de la structure sémantique de mots // *Actes du Xe Congrès International des linguistes / Vol. II.* Bucarest, 1970 – P. 18-25; Ohnheiser I. *Wortbildung und Synonymie. Untersuchungen zur nominalen Wortbildungssynonymie in der russischen Gegenwartssprache.* – Leipzig, 1979 – 246 s.; Апресян Ю.Д. Избранные труды. Т.1. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. – М.: Языки русской культуры, 1995 – 472 с.; Бережан С.Г. Теория семантических полей и синонимы // *Проблемы языкознания. Доклады и сообщения советских ученых на X международном конгрессе лингвистов.* – М., 1967 - С. 165-169; Гасанова Г.Ш. Именная синонимия лезгинского и арабского языков: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2004 – 48с.; Абукарова Д.Ш. Синонимия азербайджанского, лезгинского и английского языков: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2006 – 146 с.; Задорожный М.И. К основаниям системной типологии синонимов // *Научные доклады высшей школы. Филологические науки,* 2001 – 647 с.

⁴ Лукичева М.В. Синонимические отношения разговорной и нейтральной лексики современного немецкого языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1988 – 48с.; Сидоренко Т.К. О словообразовательной семантике просторечных синонимических рядов // *Проблемы лексической и словообразовательной семантики. Межвузовский сборник научных трудов.* – Пятигорск, 1984 – 22с.; Хомяков В.А. Синонимы в английском просторечии // *Семантика слова и предложения в английском языке.* – Л., 1980 – 39с.; Баранникова Т.Б. *Стилистические синонимы: принципы и методы исследования.* – Махачкала, 2005 – 270с.

⁵ Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – 1974 – 308 б.; Инагамова Ю. *Стилистические синонимы «интеллектуальной ущербности»;* Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1986 – 24с.; Пардаев З. *Сифатлар синонимияси: Филол. фан. номз. ... дис. автореф.* – Тошкент, 1991 – 48б.; Сиддиқова И. *Синонимия языка и её кодификационные основы: Автореф. дисс. ... док. филол. наук.* – Ташкент, 2012 – 58с.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети инглиз тили таржима назарияси ва амалиёти кафедрасининг «Таржима муаммолари» илмий мавзуси таркибий қисми бўлиб, таржима назарияси ва амалиёти факультети илмий тадқиқот режасига киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади бадиий матн таржимасида стилистик синонимларнинг лингвокультурологик хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

стилистик синонимларга берилган назарий таърифларга аниқлик киритиш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги стилистик синонимларни таснифлаш, улардаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлаш ва таржима қилиш йўллари белгилаш;

бадиий таржима жараёнида сўз танлашда стилистик синонимларнинг ролини моделлар асосида аниқлаш;

стилистик синонимлар таржимасида таржима трансформацияларидан фойдаланиш усулларини кўрсатиш;

стилистик синонимларни таржима қилишнинг лингвокультурологик хусусиятларини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги стилистик синонимлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети стилистик синонимлар таржимасининг лингвокультурологик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-типологик (чоғиш-тирма), дифференциал-семантик, компонент таҳлил, кросс-маданий таҳлил, семантик майдон таҳлили каби тадқиқ усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ташқи ва ички синонимларни умумлаштириш, конкретлаштириш, сўз қўшиш ва сўзни тушириб қолдириш йўллари орқали таржима қилиниши асосланган;

стилистик синонимларнинг турли қатламлари ўртасидаги фарқ ва ўхшашликларни чоғиштириш таржимада асосий ҳисобланган сўз танлаш масаласини ижобий ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқлиги исботланган;

стилистик синонимларни таржима қилишда қўлланиладиган лексик-семантик ҳамда стилистик трансформациялардан фойдаланишнинг усуллари ишлаб чиқилган;

матндаги стилистик синонимлар қаторларининг адабий тил модели – оддий сўзлашув тили, адабий тил модели – шевага оид сўз, миллий тил бирлиги – ўзлашган модел, полисемия модели, матн модели, фразеологик моделлари аниқланди;

стилистик синонимларни таржима қилишнинг лингвокультурологик жиҳати ёритилган ҳамда улар орқали адекватликка эришишга, таржима сифатини таъминлашга хизмат қиладиган лингвистик ва экстралингвистик омиллар далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагидан иборат:

инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилишда стилистик синонимларнинг лингвистик хусусиятларини ҳисобга олиш ҳамда таржима қилиш усуллари бўйича бир қатор амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган, синонимларга оид таҳлил қилинган материаллар асосида мутахассис ва талабалар учун инглиз тилида ўқув қўлланма, луғатлар яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланган ёндашув ва усулларнинг мавжуд лингвистик назарияларга мослиги, фойдаланилган мисолларнинг ишончли изоҳли луғатлардан олингани, муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги ва чоғиштирма таҳлилларда ҳар икки тил табиатидан келиб чиқилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти қиёсий тилшунослик, таржима назарияси ва амалиёти, стилистика, матн лингвистикаси йўналишларида ўрганилувчи стилистик синонимларга доир мавжуд илмий-назарий қарашларни янги билимлар билан бойитиши, бу йўналишларда олиб борилаётган тадқиқот ишларига, хусусан, турли тиллардан қилинган таржималарнинг лингво-маданий хусусиятларини белгилашда назарий асос вазифасини ўташи билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти хулосаларнинг таржимашуносликда стилистик синонимларнинг қатламларини тўғри танлашда, адекват таржима самарадорлигини оширишда, олий ўқув юртларида инглиз ва ўзбек тилларининг замонавий ўқув луғатларини, дарсликлар, ўқув қўлланмаларини яратиш ҳамда турли методик тавсияномаларни тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларида стилистик синонимларни таржима қилишнинг линвокультурологик хусусиятларини тадқиқ қилиш жараёнида ишлаб чиқилган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

ташқи ва ички синонимларнинг турли йўллар билан таржима қилиниши Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч ва Нукус филиаллари, Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университетларининг ўқув жараёнларига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 20 декабрдаги 89-03-3448-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларидан олий таълим муассасалари фаолиятида талабаларнинг билим даражасини оширишда, уларга стилистик синонимларни ўргатишда, коммуникатив нутқини оширишда асос бўлиб хизмат қилган;

стилистик синонимларнинг турли қатламлари ўртасидаги фарқларни ва ўхшаш жиҳатларни чоғиштириш асосида юзага келган назарий қарашлар, таржимада сўз танлаш масаласини ижобий ҳал этиш ҳақидаги хулосалар «VOCABULARY FOR HARDWARE IN COMPUTING» ўқув қўлланмасига жорий қилинган (303-005 рақамли гувоҳнома). Синонимларни таржима қилиш талабалар сўз бойлигини оширишга хизмат қилган;

стилистик синонимларни таржима қилишда қўлланиладиган лексик-семантик ҳамда стилистик трансформациялардан фойдаланиш усули И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетиди давлат бюджети томонидан молиялаштирилган ИОТ-2016-4-4 сонли инновацион лойиҳа доирасида яратилган «Ахборот хавфсизлиги бўйича атама ва тушунчаларнинг рус, ўзбек ва инглиз тилларидаги изоҳли луғати»га жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 25 октябрдаги 89-03-2527-сон маълумотномаси). Қўлланилган барча таржима трансформациялари таржима адекватлигини таъминлашга хизмат қилган;

таржима сифатини таъминлашга хизмат қиладиган лингвистик ва экстралингвистик омиллар ҳақидаги хулосалар «HARDWARE IN COMPUTING» (Inglizcha-o‘zbekcha-inglizcha axborot texnologiyalari sohasida qurilma terminlariga oid izohli lug‘at) ўқув адабиёти мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг DGU 04859-сон гувоҳномаси). Бу хулосалар стилистик маънога эга бўлган сўзларнинг эквивалентини танлашга ёрдам берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, 2 та ўқув қўлланма, 1 та луғат, 8 та илмий тезис ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, булардан 10 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган. Ишнинг мазмуни мазкур нашрларда тўлиқ акс эттирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби Кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми иловалар ва адабиётлар рўйхатидан ташқари 140 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предмети, илмий янгилиги ва амалий натижалари тавсифланган; олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг жорий қилиниши, натижаларнинг эълон қилинганлиги, тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Синонимларнинг лингвистик моҳияти: таснифи ва турлари**» деб номланган биринчи бобида синонимларнинг лингвистик моҳияти, таснифи, турлари, ҳар бир турнинг ўзига хос фарқловчи белгилари хусусида мулоҳаза юритилган, инглиз ва ўзбек тиллари мисолида синонимик парадигмада доминанталарни белгилаш масаласи таҳлил этилган.

Шунингдек, инглиз ва ўзбек тилларида стилистик синонимларни таснифлаш муҳим ўрин тутиши илмий асосланган.

Бугунги кунда тилшуносликда *синонимия* тушунчасига муайян даражада аниқлик киритилган, синонимиянинг турлари ажратилиб, ҳар бир турнинг фарқли жиҳатлари тавсифланган. Бироқ бу ишларда синонимияга турлича таъриф берилганлиги, синонимларни таснифлашда ҳар хилликка йўл қўйилганлиги кузатилади. Жумладан, инглиз тилшуноси John Lyons синонимларга қуйидагича таъриф берган: «expressions with the same meaning are synonymous». This statement can serve as a means of starting to discuss the division between some of the traditional and strict definitions of synonyms as «words identical in their meaning» and the more recent or broader ones which take into consideration all the components of synonyms, such as denotation, connotation, stylistic value, collocation, etc».⁶

2013 йилда Philip Lief Group томонидан ишлаб чиқилган «Roget's 21st Century Thesaurus»да синонимлар қуйидагича изоҳланган: Synonym in early 15c. (but rare before 18c.), from Latin synonymum, from Greek synonymon «word having the same sense as another» noun use of neuter of synonymos «having the same name as, synonymous», from syn- «together, same» (see syn-) + onoma, Aeolic dialectal form of onoma «name» (see name (n.)).

Синонимияни ўзбек тили материаллари асосида ўрганган А.Ҳожиёв эса синонимларга қуйидагича таъриф берган: «Синонимлар – талаффузи, ёзилиши ҳар хил, бирлаштирувчи маъноси бир хил (умумий бўлган), қўшимча маъно нозиклиги, эмоционал бўёғи, қўлланиши каби бир қатор хусусиятлари билан ўзаро фарқланадиган сўзлардир. Ана шундай умумий (бирлаштирувчи) маъно билан ўзаро боғланувчи сўзлар группаси синонимик қаторни ташкил этади».⁷ Бизнингча, ушбу таърифда синонимларнинг энг муҳим белгилари ўз ифодасини топган. Диссертацияда синонимларни белгилашда олимнинг мазкур таърифига таянганмиз.

И.Сиддиқова синонимларга тавсиф беришда уларнинг қуйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатган: «1) умумий маъноси мос келадиган, маъноси бир-бирига яқин ва ўхшаш сўзлардир; 2) бир хил маънони ифодаловчи сўзлар; 3) стилистик ва эмоционал-экспрессив бўёқдорлик жиҳатдан бир-биридан маъноси бўйича фарқланувчи синоним сўзлар; 4) айнан бир хил сўз туркумига хос, шунингдек, маъноси жиҳатдан алмаштирилиши мумкин бўлган бир-бирига яқин (фразеологик бирликлар); 5) муайян матнда алмаштирилиши мумкин бўлган сўзлар».⁸

Ҳозирги вақтда баъзи олимлар синонимларнинг барчасини стилистик синонимларга, баъзилар фақат муайян қисмини стилистик синонимларга киритиш мумкин деган фикрни билдиришади. Р.С.Гинзбург инглиз тилидаги синонимларни тадқиқ қилар экан, идеографик синонимлар стилистик синонимлардан биринчиси денотатив, иккинчиси эса коннотатив маъноларга

⁶ Lyons, J. 1995: Linguistic Semantics, Cambridge University Press. – P. 25.

⁷ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – Б.3.

⁸ Сиддиқова И.А. Синонимия тили ва её кодификационные основы: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент. 2012. – С. 18.

эгалити билан фарқ қилиши, улар стилистик жиҳатдан турлича бўлишидан қатъий назар, идеографик синонимларни стилистик синонимларга қарама-қарши қўймаслик лозимлигини уқтиради.⁹ Биз В.В.Виноградов фикрига таянган ҳолда стилистик ва идеографик синонимларни, улар ўртасидаги фарқни инобатга олган ҳолда, алоҳида гуруҳларга бўлиб ўрганишни маъқуллаймиз.

Л.М. Васильев лексик синонимлар қуйидаги уч турга ажратган: 1) интеллектуал ва мазмун жиҳатидан фарқ қиладиган синонимлар; 2) формал структураси жиҳатидан фарқ қилувчи синонимлар; 3) нисбий хусусиятларига кўра фарқ қилувчи синонимлар. Олим биринчи турдаги синонимларни идеографик, экспрессив, аралаш турдаги синонимларга ажратган. Иккинчи турдаги синонимларга стилистик, дистрибутив ҳамда частотали синонимларни киритган. Учинчи турдаги синонимларнинг лексик, лексик-сўз ясовчи ва лексик-фонетик синоним каби турларини кўрсатган.¹⁰

Синонимлар таснифи бўйича М.И.Задорожнийнинг қарашлари ҳам аҳамиятли. У синонимларни семантик ва стилистик фарқлари асосида мутлақ, семантик, стилистик ва семантик-стилистик синонимларга фарқлаган ҳолда ўрганган.¹¹ Маълум бўладики, тилшуносликда синонимлар таснифида турлича ёндашувлар кузатилади.

Инглиз тилидаги синонимиянинг ўзига хос жиҳати шундаки, баъзан битта сўзга бир нечта сўздан ташкил топган бирикма синоним бўлиб келади. Тузилиши жиҳатидан синоним бирикмалар икки ва ундан ортиқ компонентдан иборат бўлиши мумкин: *die – pay the nature, pass away, join the great majority, take the ferry, kick the bucket, go the way of all flesh.*

Маълумки, ҳар бир синонимнинг маъноси доминанта маъноси билан қийёсланади. Синонимларнинг сема таркиби ва уларнинг турлари доминанта билан боғлиқ ҳолда алоҳида белгиланади. Масалан, «*Ҳозир бу лаззатли полиз экинидан баҳра олишининг айна пайти. Ширали хуштаъм қовунда енгил ўзлаштириладиган қандлар, крахмал, оқсил, витаминлар, бириктирувчи тўқималар, турли-туман минерал тузлар мавжуд*» мисолида доминантани ташкил этувчи *мазали* сўзи ўрнига белги даражаси кучли бўлган *лаззатли* ҳамда маъно нозиклигини ифодаловчи *хуштаъм* сўзларидан фойдаланиш ифодада экспрессивликни юзага келтиради.

Тилда синонимик парадигмалар қуйидаги бирликлар билан тўлдирилиши мумкин: 1) тилга кириб келувчи ўзлашма сўзлар билан: *студент - талаба, менеджер - бошқарувчи, журнал - ойнома, city (фр.) - town, merchant (норм.) – tradesman*; 2) шевага хос бирликлар билан: *сўзлашмоқ - гурунглашмоқ, совуқ - аямажиз, уришмоқ - сўкмоқ, going to - gonna, abuse – comb*; 3) сўз ясаши натижасида: *меҳнаткаш - меҳнатсевар, worker - workman.*

⁹ Ginzburg R.S. and others. A course in modern English lexicology. – М., 1966. – Р. 76.

¹⁰ Васильев Л.М. Проблема лексического значения и вопросы синонимии // Лексическая синонимия. Сборник статей. – Л., 1967. – С. 23-26.

¹¹ Задорожний М.И. К основаниям системной типологии синонимов / Научные доклады высшей школы. Филологические науки. – 2001. – №2. – С.11.

Англашиладики, синонимлар бир хил объектни ҳар томонлама номловчи, коммуникатив-прагматик вазифа бажарувчи ва бирор сўзни бошқа сўз билан алмаштиришга тизимли муносабатда бўлувчи тил бирликлари бўлиб, фарқловчи белгилари асосида турларга ажратилади.

Синоним турларини таржима қилишда уларнинг келиб чиқиши, манбалари, қайси услубда қўлланиши, бирикма ҳосил қилиш имконияти ва уларнинг таркиби, энг муҳими, маъноси ва вазифалари ҳисобга олиниши лозим. Синонимларнинг алоҳида тури сифатида стилистик синонимлар стилистика, нотиклик санъати ва таржимашуносликда алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу бобда стилистик синонимларга берилган таърифларнинг ҳам бир-биридан фарқ қилиши кузатилди ва уларга муносабат билдирилди.

Диссертациянинг «**Стилистик синонимларнинг тил ва маданиятдаги ўрни ва роли**» деб номланган иккинчи бобида инглиз ва ўзбек тилларидаги стилистик синонимларнинг лингвокультурологик хусусиятлари ёритилган.

Тилшуносликда синонимларнинг турларга ажратилиши бежиз эмас, чунки улар тузилиши, семантикаси жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Синонимларнинг структураси ва семантикасида фарқ бўлишига қарамай, улар барча тилларда деярли куйидаги вазифаларни бажаради: 1. Аниқлаштириш – бунда синонимлар тўлиқ бўлмаган фикрни тўлдиради ҳамда сўз маъносининг янги қиррасини очиб беради: *У гўштни еди, аниқроғи, гажиди. (He ate the meat, to be exact he gnawed it.)* 2. Ўрнини алмаштириш – матнда синоним сўзларнинг маънолари хиралашши сабабли ишлатилади, бу ҳолат сўз такрорининг олдини олади: *У хато қилди, лекин унинг айби билинмади. (He made a mistake, but hs falt was not noticed)* 3. Эвфемизация – реалиялар маъносини атайлаб ифодаласлик учун қўлланади: *Афсус, шундай инсонни йўқотдик. (Unfortunately, we have lost such a person)* 4. Такқослаш – синоним сўзлар орасидаги нозик маъновий фарқни кўрсатади: *У болаликда муҳтожликни эмас, камбағалликни билган. (He didn't feel neediness, but – powerty in his childhood.)*

Стилистик синонимларнинг функционал услублари ҳақида сўз юритганда, албатта, синонимларнинг даражаланиши масаласига ҳам эътибор қаратилиши лозим. Ж.Джумабаева градуонимия (даражаланиш) ва синонимия ҳодисаси ҳақида фикр юритар экан, синонимик қаторлар градуонимик қаторларнинг бир қисми бўла олишини қайд этади.¹² Стилистик синонимларнинг даражаланишини бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, сўз ифода этган маънонинг интензивлиги, узоқ давом этиши, ҳаракатнинг давомийлиги, белгиси кабилар орқали даражаланиш белгиланади. Стилистик жиҳатдан сўзнинг дастлаб қайси қатламга тегишлилиги (оғзаки, нейтрал, адабий) аниқланиб, кейин даражаси инобатга олинади. Масалан, инглиз тилида: сифат *popular* (оғзаки), *famous* (нейтрал), *well-known* (адабий); ўзбек тилида: сифат *бақалоқ* (оғзаки), *семиз* (нейтрал),

¹² Джумабаева Ж. Ўзбек тилларида лексик ҳамда стилистик градуонимия: Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – Б.13.

тўла (адабий). Синонимлар даражаланиш белгисининг таржима амалиётига татбиқ этилиши таржима сифатини таъминлашга ёрдам беради.

Маълумки, тилда халқнинг маданий қадриятлари, миллий тафаккури акс этади. Тил бирликларининг маданийлик белгиси имплицит ифодаланиш хусусиятига эгаки, бу хусусият сўз маъноси замирида яширинган бўлади. Масалан, инглиз тилидаги *be as fresh as a daisy* идиомасида *daisy* сўзи *to be full of energy and enthusiasm* (куч ва заъратга тўлган) деган маънони англатади. Ег: *After a good night's sleep I'll be as fresh as a daisy.*

Стилистик синонимлар бир пайтнинг ўзида ҳам тил, ҳам маданият маҳсулидир. Тилшуносликда аксарият синонимлар **стилистик қатламларга** бўлиниб, улар сўз маъноларини фарқлашга хизмат қилади. Синонимлар турли сўз туркумига мансуб бўлиш билан бир қаторда, **оғзаки, нейтрал ва адабий** қатламларга оид сўзларга бўлинади.

Синонимларнинг қатламларга бўлиниши

NOUN (От)		
Colloquial (оғзаки)	Neutral (нейтрал)	Literary (адабий)
<i>daddy</i> (ада) <i>mug/ deadpan</i> (турқ, башара)	<i>Father</i> (ота) <i>face</i> (юз)	<i>parent</i> (надари бузруквор) <i>visage</i> (чеҳра)
VERB (фeyл)		
<i>get out</i> (кетмоқ) <i>hook up/bail out</i> (қарашимоқ)	<i>go away</i> (чиқиб кетмоқ) <i>to help</i> (ёрдам бермоқ)	<i>retire</i> (тарк этмоқ) <i>to assist</i> (қўмаклашимоқ)
ADJECTIVE (сифат)		
<i>splendid, awesome</i> (ажойиб)	<i>wonderful</i> (ҳайратли)	<i>marvelous</i> (мўъжизакор)

Диссертациянинг мазкур бобида инглиз ва ўзбек тилларидаги стилистик синонимларнинг тузилиши жиҳатидан (содда; кўп компонентли), мотивацияга кўра (асосланган; асосланмаган), номланиш шаклига кўра (сўз; сўз бирикмаси), келиб чиқиши асосида (асл; ўзлашма) турлари кўрсатилган. Стилистик синонимларнинг тарқалиш тартибига кўра турлари: 1) нутқ синонимлари; 2) китобий синонимлар; 3) поэтик синонимлар; 4) шева синонимлари ҳақида маълумот берилган. Жумладан, ёши, касб-ҳунари, ижтимоий-ҳуқуқий омилларга кўра шева синонимларининг касб-ҳунар (*teacher-tutor, master; ўқитувчи, муаллим, домла, устоз*), жаргон синонимларига (*computer-brain, iron, car-kemp, jeep, cap; қайчи, ревизор*); поэтик синонимлар: халқ-поэтик (*billow, wave; swain, peasant; соғинч-ҳижрон, аланга, чироқ-маишъл*) ҳамда умумхалқ (*notebook, exercise book, copy book, drawing block; челак, нақир, сатл*) синонимларига ажратилиши; китобий синонимларнинг умумий (*amazing, incredible; кўк, мовий; яхши, дуруст*) ва махсус (олд кўшимча-префикс) синонимларга; нутқ синонимларининг эса адабий ва ноадабий синонимларга ажратилиши қайд этилган.

Стилистик синонимларнинг семантикаси икки режали доимий ҳамда вариантатив тузилишга эга. Биринчиси тиллараро синонимлар орқали тақдим этилади, иккинчиси вариантатив доираси муайян тилда сўзлашувчиларнинг турмуш тарзи, маданияти ва менталитети хусусиятларини ифодаловчи тил ичидаги синонимларни ўз ичига олади. Масалан, тиллараро стилистик синонимларни таққослаш жараёнида уларнинг қуйидаги лингвокультурологик жиҳатлари аниқланди: *она/ойи/ая*=*mother/mom/mummy*; *юз/башара*=*face /physiognomy*.

Her head had slumped forward; her wheaten hair veiled her face and chest. [Donaldson, Stephen R. / The One Tree 1982: 282] / *Унинг боши эгилди; унинг юзи ва кўкраги бугдойранг сочлари билан қопланган эди.*

But his eyebrows were as dark as the keen and piercing black eyes which they shaded, and this peculiarity gave a wild and singular cast to the physiognomy of the old man. [Scott, Walter / Kenilworth, 1821:189] / *Кекса одамнинг башарасига ёввойи ва ўзгача феъл-атвори итқир ва қоп-қора кўзларига тушиб турган тўқ қошлари ифода этар эди.*

Ушбу бобда стилистик синонимлар тизими икки структур тур чегараланишларига кўра: классификация тури қаторлари (стилистик синонимлар туркуми қатори) ҳамда коорреляцион тури қаторлари (стилистик парадигмаларни ифодаловчилар) сифатида ҳам таҳлилга тортилган.

Диссертациянинг «**Стилистик синонимларнинг таржимасига лингвокультурологик ёндашув**» деб номланган учинчи бобда стилистик синонимларнинг таржимада берилиши, таржима трансформациялари, таржимада адекватликка эришиш йўллари ёритилган.

Таржима – аслиятнинг бошқа тил воситаларида мазмун ва услуби бирлигини аниқ қайта яратишдир.¹³ Матн мазмунини тўлиқ ифода этиш ундаги стилистик воситаларни таржимада имкон қадар сақлашни тақозо этади. Бунда, бир томондан, образли стилистик воситаларни таржима қилиш, иккинчи томондан, бадий асардаги ахборотни таржима тилида сақлаш назарда тутилади. Таржиманинг стилистик муаммоларидан яна бири вазифавий услублардир. Таржима жараёнида стилистик синонимларнинг услубий хусусиятлари инобатга олиниши керак, иложи борича аслият ва таржима тилидаги стилистик синонимлар бир-бирига маъно, услуб жиҳатидан тўғри келиши лозим.

Стилистик синонимларни тўғри ва адекват таржима қилиш учун таржимон уларнинг барча турларини билиши, жанр ва стилистик жиҳатдан синонимлар ўртасидаги фарқларни ҳис этиши, уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқ ажрата олиши лозим.

Тилшуносликда матнда кузатиладиган стилистик синонимлар қаторлари-нинг қуйидаги моделлари фарқланади: 1. Адабий тил модели – оддий сўзлашув тили. 2. Адабий тил модели – шевага оид сўз. 3. Миллий тил

¹³ Рецкер Я. И. Учебное пособие по переводу с английского языка на русский. – М. 1982. – С. 15.

бирлиги – ўзлашган модел. 4. Полисемия модели. 5. Матн модели; 6. Фразеологик модел.¹⁴

Диссертацияда синонимик қаторларнинг кўрсатилган ҳар бир моделига инглиз ва ўзбек тилидаги бадиий матнлар асосида бирма-бир тавсиф берилган. Масалан, инглиз тилида яратилган қуйидаги матнда адабий тил – шевага оид сўз моделига хос синонимик қаторни кузатиш мумкин:

*«Run up,» he told the serving lad, «be quick,
Shoit at this door, or knock it with a brick.
Take a good look and tell me how are the fares.»
The serving-boy went sturdily upstairs,*

Stopped at the door and, standing there, the lad... (G. Chaucer. «Canterbury Tales»). Бадиий асардан келтирилган ушбу матнда қўлланган *serving lad* сўз бирикмаси оғзаки қатламга, *serving-boy* эса адабий қатламга оид сўзлар ҳисобланади, бироқ ўзбекча таржимада иккала сўз ҳам нейтрал қатламга тааллуқли *хизматкор* сўзи билан берилган.

– Мана, – деди ўзини ўнглаб Худоёр. – Уйинггаям кеп қолдик! Норбиби қўярда-қўймай шаҳарга оборинг, жўрангизнинг уйини бир кўрай, деди, олиб келдим. Ҳозир отпусқадаман.

– Дўстим, қачон келдиларинг! Ҳозирми? (Ш.Холмирзаев. «Нотаниш одам»)

Юқорида келтирилган бадиий матндаги парчада *жўра* ва унинг синоними *дўст* сўзига инглиз тилида мос равишда «*bud*» ва иккинчи ҳолатда эса адабий қатлам ўрнига нейтрал қатламга тўғри келадиган «*friend*» сўзи берилди.

2. Адабий тил модели – шевага оид сўз. Синонимик қаторнинг бу моделидан ёзувчи, асосан, образнинг бирор-бир вилоятга мансублигини алоҳида кўрсатиш учун фойдаланади ва бу билан асарни янада қизиқроқ қилади ҳамда унга табиийлик ва ҳаётийлик тусини беради:

*For me, I swear by sun and moon,
And every star that blinks aboou,
Ye've cost me twenty pair o'shoon
Just gaun to see you;
And ev'ry ither pair that's done
Mair taen I'm wi' you...¹⁵*

Aboou (*above*), *'shoon* (*shoes*), *gaun* (*gone*), *ev'ry ither* (*every either*), *mair taen* (*more than*) мисолларида қавс ташқаридаги сўзлар шотланд шевасига хос сўзлар бўлиб, инглиз адабий тилида ишлатилади.

Эшқул ака жилмайиб, чўтни курсига қўйди. Ҳабибулла ўнг бўлиб, чордона қурди.

– Қани, ол... Ҳм, оиналаринг билан хўшлашдингми?

– Ҳа, пича гаплашиб ўтирдик, – деди узумдан бир шингилни тирноғи билан узиб олар экан Ҳабиб.

¹⁴ Гасымова М.М. Стилистические особенности синонимов // Вестник МГОУ, 2016. – №1. – С. 18-24.

¹⁵ Robert Burns. «To James Smith». 1786/ Type: Epistle. <http://www.robertburns.org/>.

– Товуқ-хўрозларинг билан ҳам гаплашдингми? – деди ота ва қаршидаги уйнинг тунука бўғотларида тизилишиб турган каптарларга қаради. – Анавилар билан-чи? Улар билан ҳам хўшлаш-да, энди бир йўла.¹⁶

Ушбу бадий матн парчасида қўлланган гаплашмоқ сўзи “сўзлашмоқ, суҳбат қурмоқ” маъносини англатади. Хўшлашмоқ сўзи Сурхандарё шеvasига оид. Тражимада гаплашмоқ сўзи нейтрал қаторга мансуб *to talk* ҳамда Сурхандарё шеvasига оид хўшлашмоқ сўзини оғзаки нутққа хос *to chat* феъллари билан ифодалаш мумкин.

3. Миллий – ўзлашган модел. Маълумки, ҳар бир тилнинг луғат бойлигини кенгайтиришда ўзлашган сўзлар катта аҳамиятга эга. И.Сиддиқованинг тақидлашича, ифодалиликни, эмоционалликни ва маъно нозикликларини ифодалаш учун такрордан қочишда синонимик қаторнинг ҳар бир компоненти ёрдам беради.¹⁷ Синонимик қаторни ташкил қиладиган баъзи бирликлар ўзлашма, баъзилари аслият сўзлари ҳисобланади. Юқорида қайд этилганидек, инглиз тилидаги кўп ўзлашма сўзлар лотин, грек ва француз тилларидан кириб келган. Ўзлашма сўзлар бадий асарда муайян даврдаги муҳитни аниқ тасвирлашга, бадий образ ва воқеликни индивидуаллаштиришда, қаҳрамонларнинг хусусиятларини ифодалашда қўлланади:

«Whose dog was it?» inquired Sir Percival. «Not one of mine?»

«Did you try to save the poor thing?» asked Laura earnestly. «Surely you tried to save it, Marian?»

The housekeeper's report of Mrs. Catherick's desire to conceal her visit to Blackwater Park from Sir Percival's knowledge, recurred to my memory the moment he put the last question; and I half doubted the discretion of answering it. The Count interposed again. «In that case, why not question the housekeeper?» he said.¹⁸

Келтирилган мисолда инглиз тилига хос ўзлашма сўзлар кўрсатилган. Матнда *ask* (сўрамоқ) феъли синонимик қаторни ҳосил қилади: *to inquire* (лотин тилидан ўзлашган), *to ask* (соф инглиз тилидаги сўз), *to put the question* (француз тилидан сўзма-сўз таржима йўли билан) ўзлашган сўзлардир.

Олча, гилос, олма ва ўрик гўралари қунда тобланади, тез орада улар томирларида югуриб қолган шарбатларга тўйиниб, қуёшнинг оташли тафтани шимириб етила бошлайди. Жуда тез орада баҳор ифорини йўқотган бозни ёзнинг қайноқ нафаси ва тотли иси босади. Маликанинг юзига офтобдан сақланиш учун оқ уна шу кадар кўп суртилган эдики, чеҳраси бамисоли оққоғозга ўхшарди. Қишда ёки ёзда сафарга чиққан барча аслзода аёллар юзларига шундай уна суртадилар.¹⁹

Мазкур матнда қуёш сўзининг синонимик қатори ҳосил қилинган: офтоб сўзи форс-тожик тилидан ўзлашган, кун сўзи эса туркийча. Инглиз

¹⁶ Холмирзаев Ш. «Сайланма» ҳикоялар. – Тошкент: “Sharq” NMAK Bosh tahririyati, 2003. - Б. 92.

¹⁷ Сиддиқова И.А. Синонимия языка и её кодификационные основы: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент. 2012. – С. 24

¹⁸ Collins W. The Woman in White. 1871. - P. 99

¹⁹ Xurshid Davron. «Bibixonim» qissasi ("Samarqand xayoli" kitobidan) – Б. 26.

тилига таржимада синонимик қатор ҳосил қилувчи *sun* (нейтрал), *Sol* (адабий), *day-star*(оғзаки) сўзлари ишлатилиши мумкин.

Синонимлар ва уларнинг маъно нозикликларига эга бўлган вариантларидан фойдаланиш таржиманинг мазмунини сақлаш, натижада адекватликка эришиш имконини беради. Кўчма маънода қўлланган сўзларни таржимада беришнинг иложи бўлмаса, бажарган функциясини кўрсатиш учун унинг мазмуни сақланади. Масалан: 1. *Seeing him on stage fired my enthusiasm.* (Унинг саҳнага чиқиши менинг завқимни оширди) 2. *У асли дадамнинг қалин ўртоғи бўлган (А.Мухтор) (He was close friend of my father)* Кўринадики, таржимада сўз маъносини аниқ беришда сўз бирикмасидан фойдаланилган, чунки *close* сўзининг луғавий маъноси «яқин», бироқ бу сўз *friend* сўзи билан бирикма ҳосил қилади, бу бирикма *қалин ўртоқ* тарзида таржима қилинган.

Стилистик синонимлар эпитет, қиёслаш, метафора каби бадиийликни таъминловчи стилистик воситаларни ҳосил қилишда кенг қўлланилади. Таржимон учун метафорик қўлланишлар, эпитет, ташбеҳ, мақол ва маталларни таржима қилиш кўпинча қийинчилик туғдиради. Масалан, инглиз тилидаги метафоранинг ўзбек тилида ҳам метафорик қўлланиши бўлганда таржима мураккаблик туғдирмайди: *The news you bring me is a dagger to my heart* – *Айтган янгилигинг юрагимга пичоқ каби санчилгандек бўлди.*

Баъзан аслиятдаги метафора таржима тилида мавжуд бўлмайди ва бу ҳолат, асосан, таркибий метафоралар: *a bloodbath, mindgames, a nutcase, a sun-trap*; фразеологик метафоралар: *swings and roundabouts, life and soul, rain or shine*; очиқ метафораларда кузатилади. Бу вақтда таржимон эквивалентдан фойдаланади. Масалан: – *We were at the same dinner party last night and he was the life and soul of it. (Null Dare Call It Treason)* – *Биз кеча айни бир зиёфатда эдик: у зиёфатнинг жону дили эди.*

Ҳар бир тилда таржима қилиб бўлмайдиган элементлар мавжуд бўлади. Уни бошқа тилга ўгирганда мазкур элемент таржима тилида йўқолади. Таржиманинг қонун-қоидаларига кўра йўқолган элемент бошқа воситалар билан қопланилиши лозим. Бу таржимадаги компенсация, яъни ўрнини қоплаш усули сифатида маълум. Аксарият ҳолларда таржимон стилистик воситани тушириб қолдиришга қолдиради-ю, унинг ўрнини бошқа стилистик восита билан қоплашни унутади, натижада матн аслиятдан узоқлашади, маъно йўқолади ва таржимада адекватлик таъминланмайди. Бизнингча, ҳар қандай таржима муайян стилистик талабларга жавоб бериши лозим. Бу талабларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: 1) маъно жиҳатидан мос келишлик; 2) са-водлилиқ; 3) лексик ва стилистик мослик.

Англашиладики, таржима бир тилни иккинчи тил билан алмаштирадиган оддий жараён эмас. Таржимада турли маданиятлар, шахслар, урф-одатлар, қонун-қоидалар бир-бири билан тўқнашади. Таржимоннинг вазифаси матн муаллифининг айтмоқчи бўлган фикрини, ҳиссиётларини, мақсадини иложи борица аниқ юзага чиқара олишдан иборат.

